

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 20-куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, “Фидоийлар” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья ЭЭЭнинг раислигида, судья ёрдамчиси ОООнинг котиблигида, томонлардан Тошкент шаҳар Яшнобод туман прокурорининг ўринбосари ЛЛЛ, судланувчи ТТТ ва унинг ҳимоячиси адвокат ДДД ва жабрланувчи ИИИнинг иштирокида, ТТТга оид 1-1009-2403/774-сонли жиноят иши кўриб чиқилди, иш ҳужжатларига кўра:

ТТТ 1976 йил 10 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Боғичинор МФЙ, Лолазор 2-ўтиш кўчаси, 9а-уйда рўйхатда туриб, ХХХда яшовчи, жиноят иши бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ТТТ фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 17.01.2022 йилдаги 2-1001-2205/482-сонли суд буйруғига асосан, ундирувчи ИИИнинг фойдасига икки нафар 23.09.2004 йилда туғилган ХХХ ва 07.01.2014 йилда туғилган ХХХларнинг таъминоти учун 2022 йил 13 январдан то улар вояга етгунига қадар қарздорнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган, суд буйруғига кўра вояга етмаган ХХХни моддий таъминлашга мажбур эканлигини била туриб, 01.10.2024 йилдан 27.03.2024 йилга қадар жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида 5.707.152 сўмни тўлашдан бўйин товлаганлиги учун 27.03.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилганидан кейин, вояга етмаган шахсни моддий таъминлаш чорасини кўрмасдан, ХХХнинг фойдасига ундирилиши лозим бўлган маблағни 27.03.2024 йилдан 01.09.2024 йилгача жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида 5.900.994 сўм алимент пулларини, жами 11.608.146 сўм маблағни тўлашдан бўйин товлаб келган.

Судланувчи ТТТ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 2002 йилда ИИИ билан қонуний никоҳ асосида турмуш қуришганлигини, 2004 йилда ХХХ ва 2014 йилда ХХХлар туғилганлигини, ИИИ билан 2018 йилдан бирга яшамаслигини, 2022 йилдаги суд буйруғига асосан ундан ИИИнинг фойдасига



вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун то улар вояга етгунга қадар унинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг учдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганлигини, унинг иш жойи бўлмаганлиги сабаби, алиментдан бўлган қарздорлигини ўз вақтида тўлай олмаганлигини, давлат ижрочисининг алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига асосан унинг алимент қарздорлиги жами 11.608.146 сўмни ташкил этганлигини, ҳозирда ушбу қарздорликнинг 7.000.000 сўмини жабрланувчига қоплаб берганлигини, яқин орада қолган 4.608.146 сўм алиментдан бўлган қарзини тўлиқ тўлашини, содир қилган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб қилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи ИИИ суд мажлисида, ТТТ билан 2002 йилда қонуний никоҳ асосида турмуш қуришганлигини, ўрталаридаги никоҳдан икки нафар 2004 йилда ХХХ ва 2014 йилда ХХХлар туғилганлигини, улар 2008 йил октябрь ойига қадар бирга яшашганлигини, 2022 йилдаги суд буйруғига асосан ТТТдан унинг фойдасига вояга етмаган икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун то улар вояга етгунга қадар қарздорнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларининг учдан бир қисми миқдорида алимент пули ундириш белгиланганлигини, бироқ ТТТ томонидан 01.10.2023 йилдан 27.03.2024 йилга қадар қадар ундирилиши лозим бўлган 5.707.152 сўм алимент пул маблағларини тўламаганлиги сабабли, 27.03.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди томонидан МЖТКнинг 47⁴-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини, у ушбу тайинланган жазони тўлиқ ўтаб чиққанидан сўнг ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, жами 11.608.146 сўм алимент пул маблағларни тўлашдан бўйин товлаб келганлигини, ҳозирда алимент пулининг 7.000.000 сўмини тўлаб берганлигини, ТТТдан қолган 4.608.146 сўм алимент қарздорлигини ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ ЖЖЖ суд мажлисида, мажбурий ижро бюросининг Яшнобод туман бўлими давлат ижрочиси лавозимида ишлаб келишини, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2022 йил 17 январдаги суд буйруғига асосан қарздор ТТТдан ундирувчи ИИИнинг фойдасига вояга етмаган икки нафар 23.09.2004 йилда ХХХ ва 07.01.2014 йилда ХХХларнинг моддий таъминоти учун то улар вояга етгунга қадар унинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг учдан бир қисми миқдорида 13.01.2022 йилдан бошлаб алимент ундириш белгиланганлигини, қарздор томонидан ижро варақанинг ижроси таъминламаганлиги сабабли мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилганлигини ва мажбурий ижро ҳаракатлари давомида у бир нафар вояга етмаган фарзанди ХХХни 01.10.2023 йилдан 27.03.2024 йилга қадар моддий таъминлашдан бўйин товлаб келганлиги учун жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 27.03.2024 йилдаги қарорига кўра, МЖТКнинг 47⁴-моддасига назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини, бироқ қарздор томонидан алиментдан бўлган қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаб келганлиги сабабли жиноят иши қўзғатилганлиги, 27.03.2024 йилдан 01.09.2024 йилга қадар ундирилиши лозим бўлган алимент қарздорлиги жами 11.608.146 сўмни ташкил этганлигини, қарздорликнинг 7.000.000 сўмини ТТТ жабрланувчига қоплаб



берганлигини билдириб, қолган қарздорлик миқдори 4.608.146 сўмни ташкил этишини билдириб, кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи ТТТнинг айби: давлат ижрочиси ЖЖЖнинг билдиргиси, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 17.01.2022 йилдаги 2-1001-2205/482-сонли суд буйруғи, ижро варақаси, тушунтириш хатлари, мажбуриятнома ва огоҳлантириш хатлари, давлат ижрочисининг алимент суммасини ҳисоблаш қарорлари, шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан ТТТнинг моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги (Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги 7-сонли; 2014 йил 23 майдаги 08-сонли; 2015 йил 26 июндаги 11-сонли; 13 ноябрдаги 18-сонли; 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли; 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли, 2018 йил 19 майдаги 16-сонли; 2020 йил 19 декабрдаги 37-сонли, 2022 йил 14 майдаги 9-сонли, 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 1-сонли қарорининг 3 ва 4-бандларида, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи ТТТга нисбатан жазо тайинлашда юқоридаги Пленум қарори талабларига амал қилиб, жазо тури ва меъёрини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, иш бўйича алимент қарздорлигининг ярмидан кўпроғини қопланганлигини эътиборга олиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, алимент қарздорлигини ундириш масаласини муҳокама қилиб, ТТТ томонидан жабрланувчига 7.000.000 сўм алимент қарздорлигини қоплаганини инобатга олишни ва ТТТдан жабрланувчи ИИИ фойдасига 4.608.146 сўм алимент қарздорлигини ундиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 462-463, 466-468, 472-473-моддалари талабларига риоя қилиб, суд



Ҳ У К М Қ И Л Д И:

ТТТ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, ТТТга нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташи белгиланиб, ушбу жазони ўташни назорати Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани ИИО ФМБга юклатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ТТТга Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддаси 4-қисмига асосан, агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги тушунтирилсин.

Судланувчи ТТТдан жабрланувчи ИИИ фойдасига 4.608.146 (тўрт миллион олти юз саккиз минг бир юз қирқ олти)сўм алимент қарздорлиги ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига асосан ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши ёхуд ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасига асосан кассация тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

(имзо)

ЭЭЭ

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

